

## ҲАМЗА ШИНВОРИЙ ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ САНЪАТЛАР

**ҚОРАБОЕВ Сардор**

*Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада Ҳамза Шинворийнинг шеъриятидаги илми балога, яъни мукаррар, издивож, иштиқоқ, тазод каби лафзий, маънавий ҳамда ҳарфий санъатларнинг қўлланиши таҳлил қилинган бўлиб, шоирнинг улардан қанчалик маҳорат билан фойдалана олганлиги кўрсатиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *шеърият, газал, рубоий, қитъа, илми балога, лафзий санъатлар, маънавий санъатлар, ҳарфий санъатлар, мукаррар, издивож, иштиқоқ, тазод.*

Маълумки, бадий санъат воситалари нутқни безашга, уни таъсирчан ва мафтункор қилишга хизмат қилади. Улар, айниқса, шеърларда катта аҳамият касб этади. Бадий адабиётларда “илми балога”, “илми саное” деб аталувчи бу воситалар шеърнинг таъсирчанлигини, унинг бадийлиги ва қимматини алоҳида кўрсатиб берган. Адабиётшунослар шеърий санъатларни тавсифлашда учта алоҳида гуруҳни эътироф этишади:

1. Шеър оҳангига таъсир этувчи – лафзий санъатлар.
2. Шеър маъносига таъсир этувчи маънавий санъатлар.
3. Шеър оҳанги ва маъносига таъсир этувчи лафзий-маънавий санъатлар (Ҳарфий санъатлар ҳам дейилади).

Ҳамза шеъриятини таҳлил қилар эканмиз, унинг ҳар уччала бадий санъат воситаларидан унумли фойдаланганини кўраемиз. Айниқса, газалларнинг оҳангдорлигини таъминлаш учун лафзий санъатларни маҳорат билан қўллаш олган. Масалан, қуйидаги байтларда лафзий санъатнинг энг кенг ишлатиладиган тури мукаррарни кўришимиз мумкин. **Мукаррар** – арабча сўз бўлиб, “такрорланган” деган маънони англатади. Байт таркибида такрор ёки жуфт сўзни қўллашдан ҳосил бўладиган шеърий санъат тури.

په توبو توبو مى لا خمار سوا سى  
هغه شوندي چه كباب او هم شراب شى<sup>1</sup>

Таржима: “Тавба-тавба бу каоб ва шаробдан яралган  
лаблар яна хумор бўлади”.

<sup>1</sup> حمزه شنوارى ، غزونه ، پيناور ، ۱۹۵۶ ، ۹۴ مخ

Бу байтда жуфт сўз сифатида такрорланиб келган “тавба-тавба” сўзи байт оҳангдорлигини таъминлаган.

شوندي د جواره جواره ستونه كرى  
سترگى د اشنا ولي ترخه گورى<sup>2</sup>

Таржима: “Лабларинг ширин-ширин ишва қилади  
Кўзинг нега аччиқ нигоҳ билан қарайди”.

Юқоридаги байтда ҳам мукаррарнинг ажойиб намунасини кўришимиз мумкин. Худди мукаррар каби шеърнинг оҳангини шакллантирувчи санъатлардан яна бири издивож ҳисобланади. **Издивож** – арабча “жуфтламоқ” маъносини англатади. Бу санъат мисраларда ўзаро оҳангдош сўзларнинг биргаликда келишида намоён бўла

وحشت كينى يي ستان د تسلى  
گندلى مى اغزو دى گرييان د تسلى<sup>3</sup>

Таржима: “Тасалли гулистони ваҳшатда биёбон бўлди  
Тасалли ёқасига тикан тикканман”

Байтдаги “биёбон” ва “гулистон” ҳамда “ми” ва “ди” сўзлари ўзаро оҳангдош бўлганлиги учун издивож санъатини яратмоқда. Ҳамза издивож санъатини айрим байтларда фақат бир мисрада қўллайди:

كميرى زما اوبنىكى او مسكى د اشنا خوى  
افسوس په ختميدو مى شو سامان د تسلى<sup>4</sup>

Таржима: “Менинг кўз ёшларим камайгани сари ёрнинг  
чеҳрасидаги табассум ҳам камаяди,

Афсуски, менинг хотимам тасалли воситаси бўлди”

Ҳамза ғазалларини таҳлил қилар эканмиз, яна бир лафзий санъатнинг кенг қўлланилгани кўрамиз. Бу **иштиқоқ** санъати бўлиб, у арабча “ёриш”, “бўлиш”, “сўздан сўзни ажратиш” маъноларини англатади. Иштиқоқ шеърда бир ўзакдан ташкил топган бир неча сўзларни ишлатиш орқали ифодаланилади. Ҳамза ғазал мазмун ва моҳиятни тиниқ ва теран, ҳамда мусиқийлик асосида ифодалаш мақсадида ўзакдош сўзларни келтириш орқали иштиқоқ санъатини кенг қўллаган.

ورك مى حُـمب د سترگو تماشا راتولوم  
يو ستا تصور توله دنيا راتولوم<sup>5</sup>

Таржима: “Кўзлардаги йўқолган жилони томоша қилмоқчиман  
Сенинг бир тасаввурингда бутун дунёни тўплайман”.

<sup>2</sup> حمزه شنوارى ، غزونه ، پيناور ، ۱۹۵۶ ، ۱۰۲ مخ

<sup>3</sup> حمزه شنوارى ، غزونه ، پيناور ، ۱۹۵۶ ، ۹۲ مخ

<sup>4</sup> حمزه شنوارى ، غزونه ، پيناور ، ۱۹۵۶ ، ۹۲ مخ

<sup>5</sup> حمزه شنوارى ، غزونه ، پيناور ، ۱۹۵۶ ، ۵۳ مخ

Ўзбек тилидаги таржимасига назар ташласак, ўзақдош сўзлар йўқдек. Лекин пушту тилида **توله** - бутун ва **راتولوم** - тўплайман сўзлари ўзақдош ҳисобланади.

د احساس قاصده راغلي خو راغلي  
ولي وايي نه راخي خبر زما<sup>6</sup>

Таржима: “Ей, ҳис-туйғулар кушандаси, келасанми ё келмайсанми  
Нега менинг хабарларим етиб бормаганини айтасан”

Бу байтда **راغلي** - келасанми, **راغلي** - келмайсанми ва **راخي** - не раҳи - бормаганини (келмаганини) сўзлари **راغلي** - келмоқ феълидан ясалган ўзақдош сўзлар бўлиб, улар иштиқоқ санъатини ҳосил қиляпти. Иккинчи мисрадаги **راخي** - не раҳи – келмаганини сўзи иккинчи шахсга тегишли бўлганлиги учун маънони сақлаш мақсадида “бормаганини” тарзида таржима қилинди.

Ҳамза ғазаллар орасида шундай байтлар ҳам борки, уларда бир вақтнинг ўзида бир неча лафзий санъатнинг ишлатилганлигини кўриш мумкин.

يو گل يم د اشنا په گلستان راغلي يم  
خندان راغلي يم خكه پریشان راغلي يم<sup>7</sup>

Юқоридаги байтда “гул”, “гулистон” сўзлари ўзақдош ҳисобланиб, иштиқоқ санъатини вужудга келтирган бўлса, **راغلي** – келганман сўзи тақрир санъатига мисол бўлади. Бундан ташқари байтда маънавий санъат турларидан тазод ҳам қўлланилган бўлиб, бу ердаги **خندان** - “хурсанд” ва **پریشان** - “хафа” сўзлари зид маъноли сўзлардир.

Ҳамза ғазаллари орасида **тазод** санъатига мукамал мисол бўла оладиган унинг бир ғазалидан парча келтирамиз:

بي شكه ما دغه خطا كړې ده  
چه تا **جفا** كړه **وفا** كړې ده  
نن می په **عمر** ستا رضا كړې ده  
چه می خپل **مرگ** لره دعا كړې ده  
تا كه د ظلم **انتها** كړې ده  
ما په تسليم كښي **ابتدا** كړې ده  
...  
**ژاړم** په دا چه ته **خندا** نه كوي  
...  
**خاندی** په دا چه ما **ژړا** كړې ده  
...  
كومه وعده د ما **دروغ** گني؟

حمزه شنواری، غزونه، پېنهور، ۱۹۵۶، ۳۴ مخ<sup>6</sup>

حمزه شنواری، غزونه، پېنهور، ۱۹۵۶، ۴۸ مخ<sup>7</sup>

کومه وعده دی په رښتیا کړې ده<sup>8</sup>

Таржима: “Шубҳасиз, мен шуни хато қилганман

Сен **жафо** қилганда **вафо** қилганман

Бугун мен **умрим**да сени рози қилдим

Мен ўз **ўлимим**га дуо қилдим

Сен зулм қилишни **тугатгани**нда

Мен таслим бўлишни **бошлаган**ман

...

**Йиғлайман** нега сен **хандон отмайсан**

Мен **йиғлаганим**да сен **кулиб** келгансан

...

Менинг қайси ваъдамни **ёлғон** санайсан

Ўзинг қайси вадангни **рост**га айлантиргансан

(амалга оширгансан)”

Кўриниб турибдики, ғазалда бир-бирига зид сўзлар ўйини қойилмақом тарзда амалга оширилган. Ҳатто мен ва сен образларини ҳам тазод сифатида келтириш мумкин. Чунки мен образи жавоқаш, хўрланган сифатида кўринса, сен образи бераҳм золим сифатида намоён бўлади.

Шоир ғазаллари орасида **ташбих** санъатининг турли хил кўринишларини ҳам учратиш мумкин. Уларда шоир маъшуқа, ишқ, баъзан ошиқни турли жисмлар, ҳодисаларга ўхшатади. Ўхшатишларнинг аксарияти табиат билан боғлиқ.

که قطره یم زه خو ته د حسن نمر یمی  
ستا د مینی د سپرلی نه گلستان یم<sup>9</sup>

Таржима: “Агар мен қатра бўлсам, сен ҳусн қуёшисан,

Сенинг севгинг баҳоридан гулистонман”.

Мазкур байтда ҳам муаллиф ошиқни ҳам, маъшукани ҳам, ишқни ҳам табиат ҳодисалари, жисмларига қиёслаганини кўрамиз. Умуман олганда Ҳамза ижодида маъшукани гулга, маъшуқа лабини лаълга ёки ғунчага, ошиқни девонага, булбулга ўхшатиш каби анъанавий ташбихлар талайгина. Лекин мумтоз адабиётда учрамайдиган бир қатор оригинал ташбихлар ҳам мавжуд бўлиб, булар Ҳамзанинг бой дунёқараши ва бадий маҳорати натижаси сифатида дунёга келди.

Ҳамза мурожаат қилган бадий санъатлардан яна бири **талмеҳ** – шеърда машҳур тарихий воқеа, шахс, бадий асарлар ёки уларнинг қаҳрамонларини

<sup>8</sup> حمزه شنواری، غزونه، پيناور، ۱۹۵۶، ۶۵ مخ

<sup>9</sup> حمزه شنواری، غزونه، پيناور، ۱۹۵۶، ۴۶ مخ

эслаб ўтиш санъатидир. Шоир кўпроқ тарихий шахсларга эътибор қаратган. У келтирмоқчи бўлган шахсини баъзан тўғридан-тўғри, баъзан унинг тахаллуси ёки лақаблари билан эслайди.

حمزه روح يې پهلوان وه له ازله  
چه له خدایه دی الفت د حیدر اوغوبنت<sup>10</sup>

Таржима: “Ҳамза, сенинг руҳинг азалдан паҳлавон эди,

Худодан сени Хайдар билан улфат қилишини сўра”.

Бу байтда шоир тарихий шахс, тўртинчи ҳалифа Алига ишора қиляпти. Чунки Хайдар унинг лақабларидан бири бўлгани маълум.

Ҳамза шеъриятининг оҳангдор ва сермазмун қисмини ғазаллари билан бирга рубоийлар ҳам ташкил этади. Шоир рубоийларида ҳам бадиий санъатларнинг бетакрор намуналарини учратиш мумкин.

Ҳамза рубоийларида маънавий санъатлардан энг самарали ва кенг ишлатилгани бу تشبيه [ташбиҳ] – “ўхшатиш” санъатидир. Унинг рубоийларида анъанавий ўхшатишлар талайгина. Масалан, севги қалбларни ёқувчи оловга, кенг ва мусаффо денгизга, қалбларга ёруғлик олиб келгувчи нурга ўхшатилади. Ҳусни таълил санъати ҳам Ҳамза кенг қўллаган маънавий санъатлардандир. Шоир бир масала устида фикр юритган экан, ўз фикрларини асослашга ҳаракат қилади. Унинг таҳайюлоту натижасида вужудга келган асослашлар кишини лол қолдирадиган даражада жозибадор. Шоир кутилмаган ўринларда кутилмаган, лекин ҳам мантиқан, ҳам бадиий жиҳатдан мукамал далиллар келтиради. Аксариат рубоийларда бир вақтнинг ўзида бир неча маънавий санъатларни қўллаши рубоийнинг мазмундорлилик даражасини оширади.

له يو ترفه عشق نه وي دا مه كره گمان  
دا اور دی چی شي بل په التخت د خانان  
كوم چیز چی خلا لري پخپله حمزه  
حرگز په پلوشو به د نمر نه شي روبنان<sup>11</sup>

Таржима: “Бир тарафлама ишқ бўлмайди бунга гумон қилма

Жононнинг илтифоти бошқага насиб этса бу оловдир.

Ҳамза, ҳеч нарса ўз-ўзича жилоланмайди –

Агар унга куёшнинг равшан нурлари тушмаса.”

Рубоийдаги ташбеҳ, яъни ишқ ҳижронининг оловга ўхшатилиши анъанавий адабиётдан олинган бўлса, тўртинчи мисрадаги ҳусни таълил Ҳамза бадиий маҳоратининг натижасидир. Шоирнинг фикрича, бир томонлама ишқ бўлмайди. Қарс икки қўлдан чиққанидек севги ҳам икки томоннинг ўзаро

<sup>10</sup> حمزه سنواري، كليات پنجم جلد، پيڤنور- ۱۹۹۷م، ۳۹ مخ

<sup>11</sup> حمزه سنواري، كليات پنجم جلد، پيڤنور- ۱۹۹۷م، ۱۴ مخ

муносабати натижасида юзага келади. Лекин бунда учинчи томон - ағёр иштирок этиши ва висол унга насиб этиши ҳам мумкин. Шунда ошиққа ҳижрон, яъни оловли кунлар бошланади. Ҳамза севги бир томонлама мавжуд бўлмаслигини учинчи ва тўртинчи мисраларда гўзал тарзда асослаш мақсадида далил келтиради: “Бирор нарса агар унга қуёш нури тушмаса ўз-ўзича ялтирамайди. Маълумки ёруғлик бўлмаса ҳеч нарса кўринмайди, ҳатто ялтироқ нарсалар ҳам. Кечқурун ўзидан ёруғлик таратадиган фосфор ҳам кундузи қуёш нуридан тўйинади.

Рубой ўзининг оҳангдорлиги ва мазмун жиҳатдан бойлиги билан халқ орасида кенг урф бўлган. Оҳангдорлигини қофия ва радиф таъминлайди. Ҳамза рубойларининг аксарият қисмида радиф ишлатилади.

ناپوهه به وی خیال چه د بڼه ذات نه لری  
یو علم د ادب ځان کڼې صفات نه لری  
حمزه سزا جزا وی د درنو په حصه  
سپک څیز ته کهربا هم التفات نه لری<sup>12</sup>

Таржима: “Нодон яхши инсон йўқ деб ўйлайди,  
Ўзида одобдан бирон сифат бўлмайди.  
Ҳамза, жазо айбга яраша берилади,  
Енгил нарсага қаҳрабо ҳам илтифот қилмайди.

Рубой мазмунан олиб қараганда енгил-ҳаётӣ фикрлардан тузилган ва учинчи ва тўртинчи мисралар биринчи мисрада қўйилган масалага мазмунан боғланмагандек тўйилади ва бу тўртлик рубой талабларига жавоб бермайди, деган фикр туғдиради. Чунки рубойда биринчи мисрада қўйилган масала иккинчи ва учинчи мисраларда муҳокама қилинади ва тўртинчи мисрада хулоса чиқарилади. Лекин таржимада ҳам бадиий саънатларни сақлаш, ҳам рубойнинг мазмунини бузмаган ҳолда миллий колоритни бериш анча мушкул масала. Шунинг учун рубойни шарҳлаш эҳтиёжи сезилади. Рубойнинг биринчи мисрасида [нопўҳа] [ناپوهه] – “нодон”, “ақлсиз” кимса бу дунёда яхши инсонлар йўқ, деб ҳисоблайди. Чунки одамлар бошқаларни ҳам ўзига ўхшаш инсон деб ўйлайшади. Иккинчи мисра биринчи мисрани асослаб келмоқда “ўзида одобдан бирон сифат бўлмайди”. Яъни ўзида одобдан бирон сифат бўлмагани учун нодон бошқаларни ҳам ўзига ўхшаш деб ҳисоблайди. Учунчи мисрадаги [сазо] [سزا] ҳам, [жазо] [جزا] ҳам ўзбек тилига бир хил таржима қилинади. Лекин бу мисрада шоир фақатгина жазони назарда тутмаяпти. “Жазо” сўзи остида, таг маъносида ҳаёт машақатлари яширин. Тўртинчи мисрада эса барча мисралардаги фикр жамланиб хулоса чиқарилади: “Енгил

<sup>12</sup> حمزه شنواري، کلیات پنجم جلد، بیینور- ۱۹۹۷م، ۱۲ مخ

нарасага қахрабо ҳам илтифот қилмайди”. Яъни ўзида одоб-ахлоқ ва илмдан асар ҳам бўлмаган ва ҳаётнинг машақатларига бардош беролмаган, нодон кишини қахрабо – дунё ташвишлари, икир-чикирлари ўз домига тортиб кетади.

جوبان يم ستا د ميني د غره سرته به خم  
همت می نارینه دی نه چي بېرته به خم  
بی ستا نه بل دیدن په خان حرام گنمه  
که ستا دیدن اونه کرم نو هم چرته به خم<sup>13</sup>

Таржима: “Чўпонман сенинг ишқингда тоғ бошига бораман,

Қарорим қатъий ортга қайтмайман!

Сендан ўзгани кўришни ўзимга харом ҳисоблайман

Агар сен билан учрашмасам қаерга ҳам бораман

Ушбу рубоийда радиф шу даражада маҳорат билан қўланганки, у ўқувчи онгини асосий ғояга йўналтиришга хизмат қилган. Бундан ташқари ушбу рубоийда такрор санъати ҳам ишлатилган бўлиб, у рубоийга мусиқийлик бағишлаган. Ҳамза рубоийларида ишлатилган радифларнинг аксарияти буйруқ майлида қўлланилгани ҳам унинг ўзига хос хусусиятидир. Бу маъно билан узвий боғлиқ бўлиб, рубоий маслаҳат, ўғит бериш мақсадида, панд насихат руҳида ёзилган бўлса, гап охиридаги буйруқ майлидаги кесим радиф тарзида қайта-қайта такрорланган.

کاروان د رنگینو له مهاره نیسه  
دا جنس د پرېشاینو وړه بهاره نیسه  
مسکی می لا داغونه پخواني د زړه  
په مخه دي گلونه ، خپله لاره نیسه<sup>14</sup>

Таржима: “Карвон ранг-баранглигидан ўрқачни танла,

Бундай паришонликни йўқот, баҳорни танла.

Кулгуйим, қалбимнинг доғлари эскирди

Сенга оқ йўл, ўз йўлингни танла.

Шинворий ижодиётининг яна бир ўзига хос томони у баъзи рубоийларига сарлавҳа қўяди. Юқоридаги рубоийга “Хушҳол бобо” сарлавҳаси берилган. Кулгу қалб завқидан ҳосил бўлгани учун уни юрагимнинг гули деб номлайди. Лекин бу гул эскирганлиги янги гул келтиришини уни яна хурсанд қилишини сўрайди. Шеърда пушту тилидаги ибора “пъ мъха ди ша” – оқ йўл бадиият талаби билан ўзгартирилади. Сўзма-сўз таржима қилинганда бу ибора “олдингизда яхшилик бўлсин” деб таржима қилинади. Ҳамза эса “яхшилик” сўзини “гуллар” билан алмаштиради. У “олдингизда, қадам қўядиган

<sup>13</sup> حمزه شنواري ، کلیات پنجم جلد ، پېښور - ۱۹۹۷م

<sup>14</sup> حمزه شنواري ، کلیات پنجم جلد ، پېښور - ۱۹۹۷م

жойингизда гул бўлсин”, дейди. Бу рубойий мазмунига, унинг маънавий юксаклик даражасига ҳам ижобий таъсир этган.

Шеърни шеър қилувчи, назмнинг асоси бўлган унсур буни қофиядир. Мумтоз шарқ шеърлятида қофия билан боғлиқ зулқофиятайн, тажнисли қофия, мусажжа, тажзия ва зулқавофи тарсе каби бадий санъатлар мавжуд. Ушбу санъатлар орасида мусажжа шеърнинг ритмини такомиллаштириши билан ажралиб туради.

آگاه د انگریزانو په احوال یمه زه  
له ضعفه یی څه لر غوندي ملال یمه زه  
هتلر که ماتي اوخوري دا به ډېره بڼه وي  
په فتح د خارج باندي خوشحال یمه زه<sup>15</sup>

Таржима: “Инглизлар аҳволидан огоҳман  
Уларнинг заифлигидан озгина ҳафаман.  
Гитлер енгилса, жуда яхши бўларди.  
Хориждаги ғалабаларидан хурсандман.

Ҳамзани юқоридаги рубойида “ема зи” радифидан олдин “пе аҳвол”, “ғунде малол” ва “бонде хушҳол” сўзлари кўш қофия тарзида ишлатилган ва ушбу рубойий нафақат бадий санъат жиҳатдан, балки мафкуравий-психологик жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир. Иккинчи жаҳон уруши даврида бутун Ҳиндистон халқлари, жумладан, пушту қабилалари ҳам Ҳиндистон озодлиги учун курашаётган сиёсий вазият бўлишга қарамай, шоир инглизларнинг халқаро майдондаги заифлашувидан ҳафа бўлганини ва Гитлернинг тезроқ даф бўлишини истади. Гарчи Ҳиндистон ва ватан озодлиги йўлида инглизларга муҳолифатчи бўлсада, хориждаги инглизлар ғалабасидан хурсанд бўлади.

Тажзия байт мисраларининг ҳар бирини икки бўлакка ажратиб ўзаро қофиялаш санъатидир. Рубойий мисралари ҳажман кичик бўлганлиги сабабли тажзия санъатини ишлатиш анча мушкул. Лекин шундай бўлса ҳам, Ҳамза рубойларининг икки мисраси асосан, биринчи ва иккинчи мисралари тажзия санъати воситасида боғланади.

زه چا یمه ویلی ، هغه چا ویلی  
زه هغه یم ویلی ، هغه ما ویلی  
دنیا که افسانه وي چي پاک رب ویلی  
پاک رب یو حقیقت وي چي دنیا ویلی<sup>16</sup>

Таржимаси: “Мени ким гапирди, уни ким гапирди  
У мени деди, мен уни дедим

حمزه شنواري ، کلیات پنجم جلد ، بیینور- ۱۹۹۷ م ، ۲۴ مخ<sup>15</sup>

حمزه شنواري ، کلیات پنجم جلد ، بیینور- ۱۹۹۷ م ، ۲۳ مخ<sup>16</sup>



Агар дунё пок Раб айтганидек афсона бўлса,  
Пок Раб дунё айтганидек Ҳақиқатдир.

Чуқур тасаввуфий маънога эга ушбу рубоийда қофия санъатининг ҳам таъзия, ҳам таънисли қофия ишлатилган. Таънисли қофия бу – бир неча маънога эга бўлган сўзнинг қофия санъати сифатида ишлатилиши ва бирдан ортиқ маънони ифодалашади. Бу ерда “вайилай” ҳам гапирмоқ, ҳам айтмоқ, ҳам демоқ маъноларини ифодаламоқда.

Қофия санъатининг энг жозибадор, сероҳанги бу зулқофиятайн бўлиб, мусажжадан фарқли томони бунда ўзаро қофияланаётган сўзлар байтнинг турли жойларида ишлатилиши мумкин.

بابا د رسالت او امامت راغی

حامل د سریتوب د عنایت راغی<sup>17</sup>

Таржима: “Рисолат ва имоматнинг бобоси келди  
Одамийлик ва иноят ташувчиси келди”

Мазкур рубоийда қофиянинг бетакрор намунаси терилган бўлиб, мисралардаги биринчи сўздан бошқа барча сўзлар қофияланмоқда. Бу пушту шеърятда жуда кам учратиладиган ҳолат. Рубоий фақатгина умуминсоний, панд-насихат руҳидаги тасаввуфий ғоялари билангина эмас, балки, бадиияти, юксак маҳорат билан ишлатилган бадиий санъатлари билан ҳам қадрлидир.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Ҳамза Шинворий ўз рубоий ва ғазаларида пуштузабон шоирлар фикрларини янада чуқурлаштиришга ва янгича қарашлар билан юксалтиришга эришди. Жумладан, рубоийларида анъанавий мавзуни ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий қарашлари билан янада бойитди ва халқчиллик бағишлади. Ҳамзанинг рубоийлари ўзининг юксак бадиияти ва мазмундорлиги билан пушту адабиёти рубоий хазинасининг жавҳари ҳисобланади. Умуман олганда анъанавий адабиётнинг вориси бўлган Ҳамза фақат мавжуд тамойиллар доирасида қолиб кетмади. Хусусан, ғазал ва рубоий жанрларига ўз даврининг долзарб ҳаётий муамоларини, инсон ва унинг маънавий камолоти мавзусини олиб кирди. Ҳамзанинг бадиий маҳорати шеърини санъатлардан моҳирлик билан фойдалана олишида намоён бўлади. У қўллаган бадиий санъатлар шеърининг шаклий бир унсури бўлибгина қолмай шоирнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини ўқувчи онгига янада аниқ ва таъсирли етиб боришига, мазмунни бойитишга хизмат қилади.

حمزه شنوارى ، کلیات پنجم جلد ، بیینور - ۱۹۹۷ م ، ۳۷ مخ<sup>17</sup>